

Фермер хўжаликлари-барқарорлик асоси

Абдурахмонова М.-ҚМШИ, катта ўқитувчи

Нурманова М. С. –ҚМШИ, ассистент

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғидир. У аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг эса хомашёга бўлган талабини қондиради.

Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшамокда.

Жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашмоқда. Тармоқда маҳсулот етиштириш учун 25,8 млн.га қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилмоқда. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган умумий ер майдонининг 74,6 фоизини ташкил этади. Маълумки, энг унумдор ерлар суғориладиган ерлардир. Уларнинг 95,1 фоиздан кўпроғидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади соҳада мулкдорлар синфини ўзлаштириш орқали рақобат муҳитини юзага келтиришдир. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99 фоизи нодавлат сектори зиммасига туғри келмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалиги юритиш тажрибаси фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик шакллариغا нисбатан бир қанча афзалликларини кўрсатди. Шу сабабли ҳукумат томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга бундай устуворлик берилиши чуқур ўйланган аграр сиёсатнинг натижасидир.

Республикада деҳқон ва фермер хўжаликлари биринчилар қаторида бозор муносабатларига ўтишди, бу инсон омилининг фаоллигини оширди, бунинг натижасида ернинг қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилиши, қишлоқ хўжалиги техникасининг вақтидан илшари ҳисобдан чиқариб ташланиши нинг олди олинди.

Республика бўйича фермер хўжаликларига бириктирилган экин майдони 2007 йилдан 3001,6 га ташкил қилди. Шу давр оролиғида Республикада фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг сони 217 мингдан ошди ва 2000 йилга нисбатан 4,9 баробар ўсди. 294,9 минг киши иш билан банд бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 1621,4 минг кишига етди. Фермер хўжаликлари сони ва уларга ажратилаётган ер майдонининг кўпайиши 2000-2007 йилларда уларнинг салмоғи 5,5 фоиздан 34,7 фоизга етди ёки 5,9 баробарга ошди. Республикада таёрланган ялпи пахта ҳосилининг, ғалланинг 82% фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Ер учаскалари фермерларга ижара муддатини узайтириш ҳуқуқи билан 50 йилгача бўлган муддатга бериляпти. Бу ижарачиларда хўжалик юритишга ишонч ҳиссини уйғотиш билан бир қаторда бириктирилган ер унумдорлигини доимий ошириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Изланишлар натижасида фермер хўжаликларда қуйдаги муаммолар борлиги аниқланди:

- ер участкасининг нооптимал майдони ;
- чергараланган молиявий имкониятлар;
- сервис хизматининг юқори даражада эмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик ўртасидаги узвий боғлиқликнинг бўзилганлиги;
- илмий асосланган алмашлаб екишларни киритиш ва ўзлаштириш имкониятининг йўқлиги;
- фермер хўжаликларининг кўпчилик раҳбар ва ходимларининг малакасизлиги (шунингдек ҳуқуқий билимларини етишмаслиги, тажрибасизлиги);
- фермер хўжаликларини иқтисодий муносабатларида эркинлик етишмаслиги;

- фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот қабул қилувчи ташкилотлар ўртасида тўзилган шартнома шартларини мазкур ташкилотлар томонидан бажарилмаслиги ва уларга нисбатан етарли чоралар кўрилмаётганлиги;

- айрим ҳолатларда фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашувлар;

Аксарият ҳолатларда фермер хўжаликларига пахта ва ғалла экинларини жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилашда ернинг табиий ҳолати, бонитет бали, сув билан таъминланганлик даражаси инобатга олинмаяпти.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан такомиллаштиришда уларни кооперативлар орқали ривожлантириш маъқул йўлдир. Кооператив ҳаракатни ривожлантириш учун фақат ишлаб чиқариш жараёнини эмас, балки маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш, ишлаб чиқариш –техник хизмат кўрсатиш, кредит ва молиявий фаолият соҳаларини ҳам қамраб олиш зарур. Бу жараённи жадаллаштириш учун банк, саноат ва бошқа ташкилотлар иштирокига асосланган интегратцион жараённи ривожлантиришнинг янги, ноанъанавий усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир